

Ўзбек шўро шеърияти ва насрининг танилган вакилларидан Мирмухсин Мирсаидов 1921 йили Тошкентнинг Кўргонтеги махалласида, кулол оиласида дунёга келди. Ўрта мактабни тугатиб, 1933 йили Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтида шоир Шухрат, Шукруллолар билан бирга ўкиди.

«Испан йигити», «Шералининг мардлиги», «Олов болалар» каби хикоялари (1936), «Камар» (1939) достони адаб ижодининг илк меваси сифатида ахамиятли.

Мирмухсин институтни тугатгач, (1941) ўрта мактабда, радио, рўзнома ва ойномаларда ишлаб келди. Улуг Ватан уруши йилларида халқимизнинг каҳрамонлиги адабиётнинг бош мавзуси эди. Шоирнинг «Панфиловчи» шеъри, «Ер юрак» (1942) тўплами ўша давр маҳсулидир. Шоир ижодининг камолоти Улуг Ватан урушидан сўнгги даврга тўгри келади. «Вафо» (1950), «Ирмоклар» (1961), «Калб ва фалсафа» (1963) сингари тўплам ва балладаларида, «Зиёд ва Адиба» (1958) шеърий романида замонамиз кишиларининг маънавий киёфаси, Ватанга бўлган муносабатлари бош мавзудир.

Шоирнинг «Уста Гиёс», «Дўнан» (1947), «Яшил киш», «Кадрдонлар» (1954) поемаларида ўзбек дехконларининг мардонавор меҳнати улугланади. Адабнинг “Дорбозлар” (4956) хикоясида ўзбек миллий характеристи анъанавий санъати жозибадор ифодаланса, «Жамила» (1957) киссаси адабиётимиздаги хотин-киз каҳрамонлар галлереясини бойитди. «Хикоялар» (1959), «Кизил дурралар» (1961), “Созанда” (1963) китобларининг тематик доираси кенг бўлиб, воқеалар реалистик бўёкларда берилган.

Унинг “Ок мармар” (1958), «Чўри» (1959), «Тунги чакмоклар” (1964) повестлари у шоиргина эмас, мохир носир эканлигини хам намойиш этди. Шунингдек, Мирмухсин 60-70-йилларда турли мавзуларга багишлиланган йирик полотнолар яратди. «Чиникиш» (1970), «Умид» (1969) “Дегрез ўғли” (1972) романлари шулар жумласидандир.

Асрлар оша яшаб келган тарихий ёдгорликлар ва улар ижодкорларининг адабий бархаётлигини тасвирловчи “Меъмор” (1974) романни кенг жамоатчилик томонидан мамнуният билан кутиб олинди.

Мирмухсин 80-йилларда хам баракали ижод килди. Бу даврда унинг «Чодирли аёл», «Чоткол йўлбарси», “илдизлар ва япроклар”, «Темур Малик», «Илон ўчи», “Мовароуннахр” каби катор асарлари ўкувчилар кўлига етиб борди.

Мирмухсин 300 дан ортик насрый ва назмий китоблар муаллифидир. Унинг асарлари турли тилларга таржима килинган. Алоҳида китоблари Россия, Украина, кўшни республикаларда? Миср ва Англияда нашр килинган.

Мирмухсин Пушкин ва Лермонтов асарлари таржимонларидан бири. У 1974 йилда «Умид» романни учун Хамза номидаги Республика Давлат мукофотига сазовор бўлди.

Ўзбекистон халқ ёзувчаси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими,

Ўзбекистон халк маорифи аълочиси Мирмуҳсин хукуматнинг бир катор орден ва медаллари билан такдирланган.

Мирмуҳсин «Гулистон» ойномасига мухаррирлик килиш билан бирга асарлар устида кизгин иш олиб бормокда.